

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИLMИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛМАНОВ НУРОЛИ ТОШҚУВАТОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ АГРОБИОЦЕНОЗЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИДЕРАЦИЯНИНГ
АҲАМИЯТИ**

03.00.10 – Экология

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of abstract of doctoral dissertation (DSc)

Халманов Нуроли Ташкуватович

Зарафшон водийси агробиоценозларининг экологик барқарорлигини таъминлашда сидерациянинг аҳамияти 3

Халманов Нуроли Ташкуватович

Значение сидерации в обеспечении экологической стабильности агробиоценозов в Зарафшанской долины 25

Khalmanov Nuroli Tashkuvatovich

The importance of sideration in supporting agrobiosenoz of ecologic stability of Zarafshon valley 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИLMИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛМАНОВ НУРОЛИ ТОШҚУВАТОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ АГРОБИОЦЕНОЗЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИДЕРАЦИЯНИНГ
АҲАМИЯТИ**

03.00.10 – Экология

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/B56 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Холиқов Баходир Мейликович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Нигматов Асқар Нигматуллаевич

география фанлари доктори, профессор

Алимжанова Холисхон Алимжановна

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти, тел: (99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти. Тел.: (99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Н.М.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc)диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда табиатнинг ўзгариб бориши, антропоген ва бошқа омиллар таъсирида ер ресурсларининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори маҳсулдорликка эришиш мақсадида олиб борилаётган ҳаракатлар экологик тизимда тупроқнинг экологик хосса–хусусиятлари ва унумдорлигининг ёмонлашишига олиб келди. Ерларнинг экологик ҳолатини бундай ёмонлашиши продуцентлар ва тупроқ фаунаси ва тупроқ унумдорлигининг сифат ва миқдорий жиҳатдан пасайишини ва экосистема билан боғлиқ бошқа муаммоларни келтириб чиқарди¹. Бундай экологик ҳолати бузилган, унумдорлиги паст, деградацияга учраган ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида аҳолини экологик тоза озиқ–овқат маҳсулотлари билан таъминлашда сидерат экинлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Бунда дуккакли, кўнғирбошли, карамгулдошли сидерат экинларидан фойдаланиб, кўшимча озиқ–овқат маҳсулотлари етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигида экинлардан юқори маҳсулдорликка эришишда тупроқнинг экологик ҳолати ва унумдорлигини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари ва агротехнологик тадбирларни бажаришга эътибор юқори бўлиб, бунда тупроқда барқарор экологик агроценозни таъминлайдиган турли биологик ва яшил ўғитлардан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Англиянинг Ротамстид тажриба станцияси ва Америка Калифорния университетининг экспериментал даласидаги кўп йиллик дала тажрибаларида сидератлар органик ўғит сифатида қўлланилганида тупроқнинг экологик ҳолати яхшиланганлиги аниқланган.

Республикамызда мустақилликдан кейинги йилларда мавжуд ер ресурсларини муҳофаза қилиш, унинг мелиоратив ва экологик барқарорлигини таъминлаш, унумдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора–тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида Республикамыздаги суғориладиган ер майдонларининг экологик ҳолати тўлиқ мониторинг қилиниб, атроф–муҳитни муҳофаза қилишга мақсадли йўналтирилган чора–тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида атроф–муҳитга ташланадиган ифлослантувчи моддаларнинг умумий миқдори 1,5 баробарга қисқарди. Шу билан биргаликда Зарафшон водийси агробиоценозлари суғориладиган бўз тупроқларнинг экологик барқарорлигини таъминлашда сидерат ва бошқа органик ўғитларни биологик препаратлар билан уйғунликдаги таъсири, ундаги организмлар ўртасидаги муносабатларни экологик нуқтаи назардан ўрганиш бўйича тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар

¹ [http://www.fao.org/faostat/food securitu](http://www.fao.org/faostat/food%20securu).

стратегиясида «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини янада муқобиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам турли экологик омиллар таъсирида шаклланган табиий унумдорликка эга бўлган тупроқ биогеоценозларида барқарор экологик муҳитни шакллантиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сонли «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитининг давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 273-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Дунёнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида агроценозларнинг экологик барқарорлигини органик ўғитлар, жумладан сидератлар ёрдамида таъминлашга қаратилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан; Қишлоқ хўжалик Департаменти (АҚШ), Cotton Rescerch institute in Multan fnd Islamabad (Покистон), Departamento de Cristalografía, Mineralogía y Química Agrícola, Departamento de Química Agrícola y Edafología, Universidad de Córdoba, (Испания), Department of Crop Production Ecology, Swedish University of Agricultural Science, Uppsala (Швеция), Chinese Academy of Agricultural sciences, Institute of Soil and Water Resources and Environmental Science, Zhejiang University, Hangzhou (Хитой), Department of Agricultural Engineering, Institute of Technology, Kharagpur (Ҳиндистон); Орёл ва Саратов кишлок хўжалиги

² Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқот шарҳлари. www.organic-research-centre.com/./green-monures-effects. www.fao.org/soils-portal/resources-soil-bulletins/en. www.plantwise.org ва бошқалар.

институтлари (Россия), Самарқанд ветеринария медицинаси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Агробиоценозларда сидератлар ёрдамида барқарор экологик муҳитни таъминлашга оид олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроқнинг микробиологик хусусиятлари ҳамда продуцентларнинг озикланиш режими яхшиланган ва турли хилдаги сидератлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишга эришилган (Cotton Rescerch institute in Multan and Islamabad; Chinese Academy of Agricultural Zhejiang University, Hangzhou; Departamento de Química Agrícola y Edafología, Universidad de Córdoba); сидератларни тупроққа яшил ўғит сифатида ҳайдаб ташлаганда унинг физик хоссалари яхшиланиши аниқланган (Department of Soil Sciences, Swedish University of Agricultural Science, Uppsala); донли экинлар (шоли) алмашлаб экишда, сидертларни минерал ўғитлар билан уйғунлашган ҳолда қўллаганда тупроқ унумдорлигини оширган, гумус баланси яхшиланиб, продуцентлар маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган (Department of Agricultural Engineering, Indian Institute of Technology, Kharagpur); сидерат ўғитларни ғўза алмашлаб экиш тизимида қўллаш тупроқнинг ювилишини камайтириб, экологик муҳитни яхшилаши аниқланган (Америка Қўшма Штатлари Қишлоқ хўжалик Департаменти; Россиянинг Орёл ва Саратов қишлоқ хўжалиги институтлари).

Дунёда сидерат ўғитлар ёрдамида агроценозларнинг экологик барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: продуцентларнинг озикланиш режимини сидерат ўғитлари ёрдамида бошқариш; сидерат ўғитлари ёрдамида биогеоценозлар маҳсулдорлигини ошириш; сидератларнинг минерал ўғитлар билан уйғунлигининг донли алмашлаб экиш тизимида тупроқда гумус балансини сақлаш ва ошириш; ғўза агроценозида сидератларнинг тупроқ экологик муҳитини яхшилаши ва иригацион эрозияни камайтириш технологияларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда сидерат экинларининг ингичка, ўрта толали ғўза навлари ҳамда бошқа экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигига таъсири А.Қашқаров, Е.Горелов, Р.Орипов, И.Эрназаров, Б.Холиқов, У.Носиров, Ю.Кенжаев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Сидератларнинг тупроқ унумдорлиги, жумладан, унинг физик, кимёвий, биологик хусусиятларини, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ҳамда атроф-муҳитга бўлган таъсирини яхшилашдаги аҳамияти Швейцарияда S.Elfstrand, В.Bath, К.Hedlund; Ҳиндистонда А.Sharma, В.Mittra; Россияда Е.Алексеев, Л.Александрова, Ю.Лим, С.Солдатова каби олимлар томонидан ўрганилиб илмий изланишлар натижалари илмий манбаларда нашр этилган.

Лекин, Зарафшон водийси агробиоценозларининг деҳқончилик билан мунтазам шуғулладиган суғориладиган бўз тупроқларида барқарор экологик агробиоценозни сидерат экинлари ёрдамида таъминлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети ва Самарқанд қишлоқ хужалик институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҚХА-8-056 «Қисқа навбатли ғўза–ғалла алмашлаб экишда рақобатбардошли пахта етиштиришнинг айрим технологик элементларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2009–2011 йй.), ҚХА-9-073 «Самарқанд вилояти шароитида кўкат ўғитларни тупроқ унумдорлиги, ғўза ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири» (2012–2014 йй.), А-9-15 «Самарқанд вилоятининг бўз тупроқлари шароитида маржумак етиштириш агротехнологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш» (2015–2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон водийсининг суғориладиган тупроқларида сидерат ўғитлар ёрдамида барқарор экологик агробиоценозни шакллантиришни таъминлашнинг илмий асосларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минтақа биогеоценозида тупроқ-иқлим шароитларининг имкониятлари захирасини ўрганиш;

сидератларнинг тупроқнинг экологик ҳолати, жумладан нитратлар, оғир металллар, пестицидлар тўпланиши, намлик, ҳарорат ўзгариши, ирригацион эрозияни камайтиришдаги аҳамияти, агрофизик, агрохимёвий ва биологик хусусиятларга таъсирини аниқлаш;

агроценозда қишки сидератлар продуцентларининг (ғўза) ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, сифати ва вилт билан зарарланишига таъсирини ўрганиш;

ғўза агроценозида, ғўза-сидератли навбатлаб экишнинг амалдаги ва тавсия этиладиган вариантларида тупроқнинг экологик ҳолати ва редуцентлар фаоллигига таъсирини аниқлаш;

ғўза агроценозида, ғўза-ғалла-сидератлар мажмуида экинларни ўғитлаш тизимида ўғит меъёрларининг продуцентлар маҳсулдорлигига ҳамда маҳсулот сифатига таъсирини ўрганиш;

пахта–ғалла агробиоценози мажмуида ғўза маҳсулдорлиги, сифати, ғўзанинг вилт билан зарарланиши, агроэкофитотизимлар экологик муҳитига триходерма лигнорум–19 штаммининг сидерат экинлари ва гўнг билан уйғунликдаги таъсирини аниқлаш;

Зарафшон водийси агроценозида сидератларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқиш;

Зарафшон водийси шароитида ғўза–ғалла–сидератлар навбатлаб экиш тизимида сидератларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон водийси ҳудудидаги суғориладиган ўтлоки, типик ва оч тусли бўз тупроқлар ва ушбу шароитидаги экологик агробиоценози танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ғўзанинг «Қирғиз–3», «Бухоро–102», «Оқдарё–6», «Омад», бошокли дон экинларининг «Замин–1», «Шавкат», «Марс», «Таня», сидератлар экинларидан нўхатнинг «Восток–55», жавдарнинг «Праг–1», тифоннинг «Дурагай» навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экин экиш, парваришlash, ҳосил йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар Ўзбекистон пахтачилик илмий–тадқиқот институти (2007) услуб ҳамда тавсиялари асосида олиб борилди. Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компютер дастури ёрдамида Б.А Доспехов услублари бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сидератлар тупроқнинг экологик ҳолатига, жумладан, нитратлар, оғир металллар, пестицидлар, ирригацион эрозияни камайтиришда, тупроқнинг ҳарорат ва намлик миқдорининг ошишидаги аҳамияти илмий жиҳатдан исботланган;

Зарафшон водийсининг тупроқ ва иқлим омилларининг имкониятлар захираси экологик жиҳатдан баҳоланган;

сидератларнинг биогеоценозлар агрокимёвий, агрофизик ва биологик хоссаларини яхшилаши аниқланган;

қишки сидератларнинг продуцентлар бирламчи маҳсулдорлиги ва тупроқ организмлари ўртасидаги муносабати аниқланган;

агроценозда амалдаги ва тавсия этиладиган вариантларнинг тупроқ экологик муҳити ва микрофаунасига таъсири аниқланган;

ғўза–ғалла–сидератлар мажмуида ўғит меъёрларининг продуцентлар бирламчи маҳсулдорлиги ва маҳсулот сифатига ижобий таъсири исботланган;

сидерат, қорамол гўнги ва триходерма лигнорум замбуруғи уйғунлигининг ғўза агроценози маҳсулдорлиги ва тупроқнинг биологик хусусиятларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон водийси суғориладиган бўз тупроқлар шароитида сидерат ва ёппасига экиладиган экинлар экилганда далаларда мавсум охирида оғир металлар, пестицидлар ва нитратлар тупроқнинг ювилиши камайса, тупроқ ҳарорати, намлиги ва унумдорлигини оширган, агроценозларнинг экологик ҳолатини барқарорлаштириши аниқланган;

сидерат ўғитлар таъсирида тупроқ микрофаунаси фаоллашди, натижада тупроқда фойдали редуцентлар сони 3–7 мартагача ошди, продуцентларда вилт касаллиги 13–15 фоизга камайиб, ғўзани зарарлаш даври 25–30 кунга кечикиши аниқланган;

Зарафшон водийси суғориладиган бўз тупроқларининг экологик ҳолати ёмонлашган ҳудудларида сидерат ўғитларидан фойдаланиш орқали барқарор

экологик муҳитнинг яратилиши назорат вариантыга нисбатан 0,48–0,97 т/га кўшимча ҳосил олинган, пахта толасининг наводорлиги ва технологик хусусиятларининг яхшиланилиши таъминланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини услубий жиҳатдан тўғрилиги махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши давлат буюртмалари бўйича лойиҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижаларининг республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналлар ва Республика даврий илмий нашрларида илмий мақолалар ҳамда монографияларнинг чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилиб жорий қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган агротехник тадбир Зарафшон водийсининг нитратлар, оғир металлар, пестицидлар ва бошқа элементлар билан ифлосланган ерларни тозалашга, эрозия хавфини камайтиришга, тупроқнинг ҳарорат, намлик миқдори ҳамда унумдорлигини оширишга, ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга, продуцентларда вилт касаллигини камайтиришга ва маҳсулдорликни оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон водийсининг суғориладиган бўз тупроқлари агроценозларида сидерат ўғитлари ёрдамида экологик барқарорликни таъминлашда сидерат ўғитлари ёрдамида агротехник тадбирнинг ишлаб чиқилганлиги, тупроқ унумдорлигининг ҳамда продуцентлар маҳсулдорлигининг ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон водийси агроценоз далаларида сидератлар таъсирида экологик барқарорликни таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экологик ҳолати ёмонлашган суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда сидератлар ёрдамида барқарор экологик агроценозни таъминлаш ва уларни муҳофаза қилиш агротехнологияси 2016 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Истиқлолнинг 10 йиллиги» фермер хўжалигида жами 25 гектар ер майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 31 декабрдаги 02/20-1287-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тажрибанинг назорат вариантыда ғўзанинг ҳосилдорлик кўрсаткичи гектарига 32,3 центнерни, қисқа навбатлаб экиш тизимида сидерат экилар сифатида тифон–кўк нўхат–жавдар экилган вариантда 5,3 центнер кўшимча пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 24–28 фоизни ташкил этган;

бўз тупроқларда барқарор экологик агроценозни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган мақбул сидератли навбатлаб экиш технологияси 2014–2016 йилларда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги «Келажак овози баракаси» фермер хўжалигида 23 гектар, Оқдарё тумани «Барака чорваси» фермер хўжалигида 21 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 31 декабрдаги 02/20-1287–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 7,2 центнер қўшимча пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 26–29 фоизни ташкил этган;

Зарафшон водийсининг суғориладиган бўз тупроқларида барқарор экологик агроценозни таъминлаш бўйича “Қишлоқ хўжалиги ва экология” фанидан семинар машғулотлари учун услубий қўлланма Олий ўқув юртларининг 5630100–Экология ва атроф–муҳит муҳофазаси таълим мутахассислигига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 июлдаги 89–03–1282 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида бакалаврият таълим йуналишида ўқитиладиган «Тупроқ экологияси ва агроэкология» фанларидан ўтиладиган машғулотларни такомиллаштиришга ва ўқитиш самардорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили университет махсус комиссияси ва ҚХИИЧМ мутахассислари томонидан синовдан ўтган ва ижобий баҳоланган. Тажриба натижалари 5 та халқаро конференцияларда (Қозоғистоннинг Алмата шаҳрида 2014 йилда), ҳар йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Самарқанд давлат университети профессор–ўқитувчилари илмий ҳисобот конференцияларида, республика илмий конференцияларида (Тошкент шаҳрида 2001, 2004 йилларда, Нукус шаҳрида 2013 йилда, Термиз шаҳрида 2016 йилда, Самарқанд шаҳрида 2001, 2012, 2017 йилларда) ҳамда университет экология кафедрасининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида тингланиб, муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шундан 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган, 1 та услубий қўлланма нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ёритилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Зарафшон водийсида барқарор экологик агробиоценозни шакллантиришда сидерациянинг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб оралик экинларидан сидерат сифатида фойдаланишнинг тупроқда барқарор ва маҳсулдор экологик агробиоценозни шакллантиришдаги аҳамияти, уларнинг тупроқ унумдорлиги, экинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири йўналишдаги илмий манбалар таҳлил этилган. Шунингдек, тупроқдан интенсив ҳосил олишнинг кучайиб бораётганлиги натижасида тупроқдаги гумус миқдорининг нафақат республикамізда, балки дунё бўйича камайиб кетиш сабаблари ва бу муаммонинг ечимларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Адабиётлар шарҳининг иккинчи қисми **«Сидератларнинг ғўза ва бошқа экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсири»** деб номланган. Бу қисмда сидератлар таъсирида тупроқда соғлом озуқа омилнинг шакллантирилиши бевосита ғўза ва бошқа экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда маҳсулот сифатига кўрсатадиган ижобий таъсири, маҳаллий ва чет эл олимларининг ишлари орқали таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар қилинган. Қишлоқ хўжалигида ернинг асосий ишлаб чиқариш воситаси эканлиги инобатга олиниб, тупроқнинг экологик ҳолатини яхшиловчи илмий тадқиқот ишлари такомиллаштириб борилиши ва бу соҳадаги изланишларни давом эттириш зарурлиги хулоса сифатида берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказиш шароитлари, объекти, услублари ва агротехнологик тадбирлари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, оралик экинларни тавсифи ва уларни ўстириш агротехнологияси келтирилган.

Тупроқдаги табиий гумус миқдори 0–20 см ли қатламда 1,28 %, 20–40 см ли қатламда 1,13 %, ялпи азот 0,089–0,078%, ялпи фосфор 0,154–0,142 %, калий 2,03–2,11 % ни ташкил этади. Бу миқдордаги озик моддаларнинг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги экинларидан илғор агротехникани қўллаб юқори ҳосил олиш имконини беради.

Зарафшон водийсининг текислик худудларида 10⁰С дан юқори фойдали ҳарорат миқдори 4000–4900⁰С ни ташкил этганда, бу ҳароратдан қишлоқ хўжалигида, йилига 2 мартагача ҳосил олиш имконияти мавжуд. Зарафшон водийсида ўсимликлар ўсиб, ҳосил берадиган вақт 255 кундан 275 кунгача давом этади. Воҳада ўртача йиллик ҳарорат 12–15⁰С ни ташкил этади.

Дала тажрибалари **«Методика полевых и вегетационных опытов с**

хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1981), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ, 2007), «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевных хлопковых районах», (СоюзНИХИ, 1963) асосида олиб борилди.

Тупроқдаги пестицидлар ва оғир металллар миқдори юпқа қаватли ва хроматография услубларида ва полеография қурилмасида аниқланди. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларга Б.А.Доспехов усулида математик ишлов берилди. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги (НИИЭСХ, 1979, 1987) меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Экотизимда сидерат ва органик ўғитларнинг тупроқнинг экологик муҳитига таъсирининг илмий–амалий асослари» деб номланади.

Октябрь ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида ғўза қатор орасига оралиқ экинлар экилиб, апрель ойининг учинчи ўн кунлигигача ўтлоқ бўз тупроқларда кўк нўхат экилган вариантыда гектаридан 37,1 тонна, жавдар 38,8, тифон 40,8, кўк нўхат+жавдар 43,6 тифон+жавдар 45,1 тифон+кўк нўхат+жавдар вариантларида 47,7 тонна миқдорида яшил масса ҳосил қилинди. Оч тусли бўз тупроқларда мос равишда 32,2; 32,7; 32,9; 34,5, 34,9 36,2 тонна, типик бўз тупроқларда эса 34,2,34,9, 36,2, 39,3, 39,0, 40,7 тонна миқдорида яшил масса тўпланди ва бу яшил масса тупроққа ҳайдаб ташланди.

Тупроққа триходерма лигнорум 19 замбуруғи гектарига 70 кг меъёрида фосфорли ўғитлар билан биргаликда чигит экиш даврида уйғунлаштирилган ҳолда берилди.

Сидератларни экиш олдида тупроқдаги нитрат азоти миқдори ўтлоқ бўз тупроқларда 0–20 см қатламда 18,6 мг/кг, 20–40 см қатламда эса 14,9 мг/кг ни ташкил этган бўлса, баҳорда ўсув даври бошида мос равишда 12,2 ва 10,6 мг/кг ни ташкил этди ёки 6,3–4,3 мг/кг миқдордаги нитрат сидерат экинлар томонидан ўзлаштирилиб, улар тупроқдаги ювилиш жараёнига таъсир кўрсатди. Ўхшаш қонуниятлар типик ва оч тусли бўз тупроқлардан олинган маълумотларда ҳам ўз аксини топди (1–жадвал).

1–жадвал

Ўтлоқи бўз тупроқларда ҳаракатчан шаклдаги NPK нинг сидератлар таъсирида ўзгариши, мг/кг (ўртача 2004–2006 йй.)

т/р	Қатлам, см	NO ₃		P ₂ O ₅		K ₂ O	
		сидератларни экиш олдида M±m	баҳорда M±m	сидератларни экиш олдида M±m	баҳорда M±m	сидератларни экиш олдида M±m	баҳорда M±m
1	0–20	18,6±0,05	12,2±0,6	35,4±0,78	30,8±0,4	407±3,5	385±2,6
2	20–40	14,9±0,08	10,6±0,2	25,3±0,6	21,3±0,9	359±19,9	351±15,2
3	40–60	10,3±0,13	8,1±0,3	13,2±0,24	18,8±0,3	222±3,3	287±3,4

n=4; p≤0,05

Тажрибада экин экилмаган партов ер (бегона ўт босган), ғўза, беда, сидерат, оралиқ экин (ем–хашак учун) экилган экинларнинг тупроқдаги пестицидларга бўлган таъсири ҳам ўрганилди (2–жадвал). Экин экилгунгача

бўлган даврда тупроқда ГХЦГ изомерининг қолдиқлари барча вариантларда 0,01–0,05 мг/кг ни ташкил этди. Мавсум охирида захар қолдиқлари фақатгина ғўза ва ғўза+сидерат экинлари экилган далаларда 0,02–0,03 мг/кг борлиги аниқланди. Сидерат ҳайдалган вариантда эса экин пестицидларни ер устки массасида тўплаган, бироқ уни яна ерга ҳайдаб ташлаш натижасида мавсум охирида захарлар тупроқда пайдо бўлган, қолган вариантларда эса захар ўсимлик массаси билан тупроқдан чиқиб кетган.

2– жадвал

Ғўза ва сидерацияни тупроқдаги пестицидлар миқдорига таъсири, мг/кг (2012–2014 йй)

Т/р	Тажриба вариантлар	Қатлам, см	Гексахлорциклогексан (ГХЦГ) мг/кг			Дихлордифенилтрихлорэтан (ДДТ) мг/кг		
			РЭМ	сидерат экишдан олдин	мавсум охирида	РЭМ	сидерат экишдан олдин	мавсум охирида
				М±m	М±m		М±m	М±m
1.	Назорат (партов ер)	0 – 20	0,1	0,03	учрамади	0,5	0,02±0,003	учрамади
		20 – 40	0,1	0,02	учрамади	0,5	0,05±0,003	учрамади
2.	Беда (индикатор)	0 – 20	0,1	0,02	учрамади	0,5	0,06±0,003	учрамади
		20 – 40	0,1	0,01	учрамади	0,5	0,03±0,004	учрамади
3.	Ғўза (сидератсиз)	0 – 20	0,1	0,05	0,04	0,5	0,06±0,004	0,04±0,003
		20 – 40	0,1	0,03	0,02	0,5	0,05±0,003	0,02±0,003
4.	Ғўза + сидерат	0 – 20	0,1	0,04	0,03	0,5	0,05±0,003	0,03±0,003
		20 – 40	0,1	0,03	0,02	0,5	0,04±0,004	0,02±0,004
5.	Ғўза оралик экин (ем хашак)	0 – 20	0,1	0,04	учрамади	0,5	0,06±0,005	учрамади
		20 – 40	0,1	0,03	учрамади	0,5	0,04±0,003	учрамади

3 – жадвал

Ғўза ва сидерациянинг тупроқдаги оғир металллар миқдорига таъсири, мг/кг (ўртача 2012–2014 йй)

т/р	Вариантлар	Қатлам, см	Рух		Мис		Курғошин	
			сидератларни экиш олдиан	мавсум охирида	сидератларни экиш олдиан	мавсум охирида	сидератларни экиш олдиан	мавсум охирида
1.	назорат (партов ер)	0–20	0,23±0,02	учрамади	1,83±0,22	1,34±0,01	0,52±0,02	0,33±0,01
		20–40	0,16±0,01	учрамади	1,72±0,02	1,63±0,01	0,63±0,01	0,32±0,01
2.	Беда (индикатор)	0–20	0,34±0,01	учрамади	1,76±0,01	1,36±0,01	0,53±0,01	0,44±0,01
		20–40	0,27±0,02	учрамади	1,66±0,01	1,55±0,01	0,66±0,01	0,56±0,01
3.	Ғўза	0–20	0,24±0,02	учрамади	1,73±0,01	1,57±0,01	0,84±0,01	0,75±0,01
		20–40	0,13±0,01	учрамади	1,65±0,02	1,28±0,01	0,8±0,02	0,64±0,02
4.	Ғалла+сидерат	0–20	0,23±0,01	учрамади	1,73±0,01	1,44±0,01	0,74±0,01	0,63±0,01
		20–40	0,18±0,01	учрамади	1,51±0,01	1,26±0,01	0,78±0,01	0,54±0,02
5.	Ғўза+оралик экин (ем-хашак учун)	0–20	0,35±0,01	учрамади	1,77±0,01	0,83±0,01	0,85±0,01	0,42±0,01
		20–40	0,27±0,01	учрамади	1,55±0,02	0,55±0,01	0,73±0,01	0,34±0,01

n=4; p≤0,05 рухсат этилган меъёр рух учун–23,0, курғошин учун–32 мг/кг

ДДТ миқдори сидерат экинлари экилгунгача бўлган даврда барча вариантларда 0,02–0,06 мг/кг ни ташкил этди, мавсум охирида қолдиқ ДДТ миқдори ғўза ва сидерат ҳайдалган вариантларда 0,04–0,02 мг/кг мавжудлиги аниқланди. Қолган вариантларда эса ДДТ мутлақо учрамади. Мис элементининг энг кўп миқдорда камайиши 0–20 ва 20–40 см ҳайдов қатламида оралиқ экинлар ем–хашак учун ўриб олинган вариантда кузатилди, бунда дастлабки миқдор 1,77– 1,55 мг/кг, мавсум охирида эса 0,83–0,55 мг/кг ни ташкил этди. Сидерат экинлари таъсирида ҳаракатчан мис миқдори 1 кг тупроқда 0,94–1,0 миллиграммгача камайар экан. Рух элементи сидерат экилгунгача бўлган муддатда барча вариантларда 0–20 см қатламда 0,22–0,35 мг/кг, 20–40 см қатламда эса 0,13–0,27 мг/кг ни ташкил этди. Мавсум охирида барча вариантларда бу элемент мутлақо кузатилмади. Демак рух элементи билан зарарланган далаларга экилган экинлар фитосанитар тозаловчи бўла олар экан (3–жадвал).

Органик ўғитлар ва триходерма лигнорум 19 штамми ўйғунликда қўлланилган вариантларда ғўзанинг намликка ва ҳароратга бўлган талаби яхшиланганлиги аниқланган(4–жадвал).

Ўтлоқи тупроқларда ғўзани биринчи суғоришдан олдин намлик миқдори назорат вариантыда 0–20 ва 20–40 см ли қатламда 12,6–14,1 ва 12,0–14,5 % бўлган бўлса, кўк нўхат+жавдар, тифон+жавдар ва тифон+кўк нўхат+жавдар вариантларида 0–20 см қатламда 14,2–14,7 ва 20–40 см қатламда 18,2–18,7%, 14,9–15,2 ва 18,3–18,8 фоизни ташкил этди. Тупроқ ҳарорати йил давомида редуцентлар фаолиятига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Чириш жараёни ва тупроқ ҳароратининг ошиб бориши кўк нўхат, кўк нўхат+жавдар ва тифон+кўк нўхат+жавдар вариантларида жадалроқ кечади ва бу жараёнлар июнь ойининг иккинчи ва учинчи декадасининг охиригача давом этади.


4–жадвал

Органик ўғитлар ва триходерма лигнорум–19 таъсирида тупроқнинг намлик ҳолатининг ўзгариши (абсолют қуруқ тупроққа нисбатан), %

т/р	Вариантлар	Сидератларни ерга ҳайдаш олдида		Ғўзани биринчи суғоришдан олдида		Ғўзани охириги суғоришдан олдида	
		0–20	20–40	0–20	20–40	0–20	20–40
		М±m	М±m	М±m	М±m	М±m	М±m
1.	Шудгор [назорат]	15,7±0,1	17,8±0,2	11,4±0,2	13,2±0,3	11,4±0,2	13,7±0,1
2.	Шудгор+ триходерма	15,6±0,2	16,5±0,2	11,7±0,3	13,2±0,3	11±0,2	13,8±0,3
3.	Гўнг	15,1±0,3	18±0,2	13±0,5	17,1±0,3	13,9±0,3	16,1±0,3
4.	Гўнг+ триходерма	15±0,1	18,5±0,3	13,2±0,2	17±0,2	14±0,5	16,3±0,3
5.	Сидерат	14,7±0,4	17,3±0,3	12,8±0,3	16,7±0,2	13,6±0,4	15,9±0,4
6.	Сидерат+ триходерма	14,8±0,2	17,3±0,3	13±0,2	17±0,3	13,8±0,6	16,2±0,6

$n=4; p \leq 0,05$

Бундай ҳарорат май ойининг охири ва июнь ойининг биринчи декадасида 0–20 см қатламда кўк нўхатда 31,5⁰С; кўк нўхат+жавдарда 30,6⁰С; тифон+кўк нўхат+жавдарда 30,8⁰С ни, тифон ва тифон+жавдар вариантларида ҳароратнинг ошиб бориши 20 июлгача давом этиб назорат вариантыда эса максимал ҳарорат 10 июнда 0–20 см қатламда 27,3⁰С, 20–40 см қатламда эса 26,9⁰С ни ташкил этди. Демак, яшил массанинг чириши натижасида тупроқ ҳарорати мавсум охиригача 3,3–4,2⁰С юқори бўлиши аниқланди (1–расм).




1–расм. Тупроқ ҳарорати ўзгаришининг ўрганилган омилларга боғлиқлиги, 0–20 см қатламда

Назорат вариантыда жўяқларнинг ювилиши (тупроқ эрозияси) юқори бўлиб, 1 литр сувдаги лойқа миқдори 1–суғоришда 15,70–20,10 граммни, 3–суғоришда 13,90–18,70 граммни ташкил этди, сидератлар тупроққа ҳайдалган вариантда бу кўрсаткич 11,25–16,80 ва 8,75–12,0 граммни ёки сидератлар ҳайдалганда 1 литр сувдаги лойқа миқдори назорат вариантга нисбатан 4,45–3,30 грамм камлиги аниқланди. Сув сарфи 0,10 л/с бўлганда мавсум охирида назорат вариантыда тупроқдаги нитрат азоти миқдори 0–15 см қатламда 0,3 мг/кг, 16–30 см қатламда 2,6 мг/кг, сидерат ҳайдалган вариантларда эса 8,5–6,6 мг/кг ёки 0–30 см қатламда 8,2–4,0 мг/кг нитрат азоти ювилмай тупроқда сақланиб қолган.

Сидерат ўғитлари тупроққа ҳайдаб ташланганда мавсум охирида ҳайдов қатламида гумус миқдорининг ошиши кузатилди. Масалан, ўтлоқи бўз тупроқларда назорат вариантыда ўртача уч йилда тупроқнинг 0–20 см қатламида чиринди миқдори 1,28 %, 20–40 см қатламда 1,15, типик бўз тупроқларда 0,91–0,76, оч тусли бўз тупроқларда 0,83–0,73 фоиз ташкил этган бўлса, сидерат экинлари алоҳида экилган вариантларда ўтлоқи бўз тупроқларда 0–20 ва 20–40 см қатламда 1,31–1,18 %, тифон+кўк нўхат+жавдар вариантыда 0,87–0,76 ва 0,89–0,78 %, ёки назорат вариантга нисбатан ўтлоқи тупроқларда 0,03–0,05 %, типик бўз тупроқларда 0,04–0,06 ва оч тусли бўз тупроқларда 0,04–0,06 фоизга ошди. Сидерациянинг

тупроқнинг гумус миқдорига корреляцион боғлиқлигининг йўналиши тўғри чизиқли тавсифга эга бўлиб, регрессия тенгламаси $y=a+bx$ ва корреляция коэффиценти ($r > 0,7$) юқорилиги аниқланди (2–расм).



2–расм. Тупроқнинг гумус миқдорига сидератларнинг таъсири (%) (Ўртача 2007–2009 йй.)

Тупроққа ҳайдалган 36,2–47,7 тонна миқдордаги яшил массанинг чириши вариантларда ҳаракатчан ва умумий азот, фосфор ва калий миқдорларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Сидерат ўғитларининг озиқ модда сифатида ерга ҳайдалиши тупроқнинг микробиологик хусусиятларини яхшилади. Бактериялар мавсум охирида назорат вариантыда 1 грамм қуруқ тупроқда 495 минг донани ташкил этган бўлса, сидератлар қўлланилган кўк нўхат, жавдар, тифон вариантларида 1780, 1727 ва 1674 минг донани, кўк нўхат+жавдар ва тифон+жавдар вариантларида 1962, 1864, тифон+кўк нўхат+жавдар каби уч таркибли экинлар тупроққа ҳайдалганда 2230 минг донани ошган. Сидератлар таъсирида замбуруғлар, актиномицетлар, азотофиксаторлар ва денитрификаторлар сонининг динамик ошириши барча тупроқ типларида кузатилди. Агрэко системаларда ғўза+ғалла+сидератли навбатлаб экиш тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларини яхшилади.

Бунда ғўза+сидерат ва сидерат+ғўза вариантларида намлик, деҳқончиликда муҳим ҳисобланган макро агрегатлар (10–0,25мм), гумус, НРК миқдори ошса, ҳажм оғирлигининг пасайиши таҳлилларда исботини топди. Шунингдек, тупроқларни биологик хоссаларининг фаоллашиши натижасида тупроқда барқарор экологик муҳит яхшиланиб унинг ўтлоқи бўз тупроқларда назорат вариантыга нисбатан август бошида, ғўза баландлиги

9,9–13,2 см, ҳосил шох сони 1,7–2,1 дона, ўртача кўсак сони 2,7–3,2 дона кўп бўлди, гектаридан 0,58– 0,96 т қўшимча ҳосил олинди. Ўхшаш қонуниятлар типик ва оч тусли бўз тупроқларда ҳам кузатилди. Тупроқ озик режимини яхшилаш барқарор экологик агробиоценозни шакллантиришда ўта муҳим жараён ҳисобланади.

Оч тусли бўз тупроқларнинг озик режимига органик ўғитларнинг таъсирини кўриб чиқадиган бўлсак, мавсум охирида ҳаракатчан фосфор миқдори тупроқнинг 0–20 см ли қатламда ўғитсиз назорат вариантыда 20,4 мг/кгни ташкил этган бўлса, 20–40 см қатламда 17,1 мг/кг, гўнг 10 т/га берилганда мос равишда 24,3– 21,5, сидерат ҳайдалганда 34,2–31,1, маъдан ўғитлар қўлланилганда 35,2– 31,8, ғалла ғудраси ҳайдалганда 31,6– 26,9, 10 т/га похол сомонида 21,2–17,5, сидерат гўнг +NPK берилган вариантларда 36,1–33,0 мг/кгни ташкил этди. Бу қонуният типик ва ўтлоқи бўз тупроқларда ҳам сақланди. Тупроқдаги умумий, ҳаракатчан NPK ва гумус миқдорининг ошиши ҳам қайд этилди. Озик режими ва тупроқ экологик муҳитининг яхшиланиши гўзанинг ўсиши, ривожланиши ва вариантларда ҳосилдорликни оширди. Типик бўз тупроқларда ўғитсиз назорат вариантдан 1,58 т/га ҳосил олинган бўлса, гўнг (10т/га) да 1,70; сидератда 2,08; маъданли ўғитда 3,27; ғалла ғудрасида 1,85; 10 т/га похолда 1,64; сидерат+гўнг+NPK вариантдан эса 3,99 т/га ёки сидерат+гўнг+ NPK да 2,41; маъдан ўғитида 1,69; сидератда 0,5; ғалла ғудрасида 0,27; гўнг (10т/га) да 0,12 ва похол (10т/га) да 0,06 т/га қўшимча ҳосил олинди. Демак, гўза агробиоценози далаларда барқарор экологик муҳитни таъминлашда тупроқда озика муҳитини яратиш тупроқ унумдорлигининг ва ўсимлик маҳсулдорлигининг ошишида ўта муҳим жараён ҳисобланади.

Диссертациянинг «Агроэкосистемаларда гўза+ғалла+сидератли навбатлаб экишнинг илмий асослари», деб номланган тўртинчи бобида агробиоценозларда сидерат ўғитлари таъсирида тупроқда барқарор экологик муҳитнинг яратилиши илмий асосланган. Агроэкосистемаларда гўза+ғалла+сидератли навбатлаб экиш тупроқнинг физикавий, кимёвий ва биологик хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатди (5–жадвал). Сидератлар таъсирида тупроқ фракциялари, яъни 10 мм. дан кичик ва 0,25 мм. дан катта бўлган агрегатлар миқдорининг ошиши кузатилди. Сидерат+гўза вариантыда оч тусли бўз тупроқларнинг 0–20 ва 20–40 см ҳайдов қатламида 10–0,25 мм таркибдаги макроагрегатлар назорат вариантыга нисбатан 1,2–1,4%, намлик 2,8–2,7 ва 2,8–2,7% га ошган бўлса, ҳажм оғирлиги 0,13–0,12 г/см³ га камайди. Бу алмашлаб экиш тизимида энг яхши вариант деб сидерат+гўза ва гўза+сидерат вариантлари эътироф этилди. Учала типдаги тупроқларда ҳам сидератлар таъсирида озика миқдорининг ошиши кузатилди.

Ўтлоқи бўз тупроқларда гумус миқдори (0–20 ва 20–40 см ҳайдов қатламида) назорат вариантыга нисбатан 0,03–0,05%, ҳаракатчан нитрат азоти 7,0–5,7 мг/кг ва 10,8–7,8, ҳаракатчан фосфор миқдори эса 7,5–4,0 ва 9,7–6,4 мг/кг га ошди. Сидератларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсирини ўрганиш мақсадида бўз газмолининг тупроқдаги чириш жараёнини кузатдик.

Типик бўз тупроқларда 30 кун мабойнида назорат вариантыда бўз газмоли 52,1% чириган бўлса, сидератлар ҳайдалган вариантларда 95,8–99,1% чириди. Сидерат таъсирида тупроқдаги микроорганизмлардан азотофиксаторлар 3,5–3,7 мартага, динитрификаторлар 2,4–6,1 мартагача ошди. Сидерат ўғитлар таъсирида тупроқда етарлича озика режимининг яратилиши, ғўзанинг мавсум даврида ўсиб ривожланишига қулай шароит яратди.

5–жадвал

Ўзани охириги суғориш олдидан тупроқни айрим агрофизик хусусиятларига сидератларнинг таъсири (оч тусли бўз тупроқларда, 2010–2012 йй.)

т/р	Вариантлар	Қатлам, см	Намлик миқдори, %	Агрегат таркиби, %		ҳажм оғирлиги, г/см ³
				10–0,25 мм	0,25–0,05	
				M±m	M±m	
1.	Шудгор [назорат]	0–20	11,8±0,1	5,5±0,1	29,7±0,1	1,43±0,1
		20–40	14,8±0,1	5,8±0,1	26,6±0,1	1,52±0,1
2.	Ўза+сидерат	0–20	14,2±0,1	6,4±0,1	28,7±0,2	1,32±0,1
		20–40	17±0,1	7±0,1	25,6±0,2	1,42±0,1
3.	Ўза+ғалла [қатор орасига]	0–20	11,8±0,2	5,4±0,1	29,6±0,1	1,43±0,1
		20–40	14,8±0,1	5,7±0,1	26,6±0,2	1,52±0,1
4.	Ғалла+сидерат	0–20	13,6±0,1	6,2±0,2	28,9±0,1	1,34±0,1
		20–40	16,6±0,1	6,9±0,1	25,9±0,1	1,45±0,1
5.	Сидерат+ўза	0–20	14,6±0,1	6,7±0,1	28,4±0,1	1,30±0,1
		20–40	17,5±0,1	7,2±0,1	25,3±0,1	1,40±0,1

n=4; p≤0,05

Ўтлоқи бўз тупроқларда пахта ҳосили назорат вариантыга нисбатан сидерат+ўза вариантыда гектаридан 0,91; ўза+сидератда 0,72; ғалла+сидератда 0,55 тонна қўшимча ҳосил олинди.

Диссертациянинг «**Биоценознинг пахта+ғалла тизимида органик ўғитларнинг экинлар маҳсулдорлиги ва тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамияти**» деб номланган бешинчи боби органик ва маъданли ўғитлар уйғунлигининг тупроқ озик режими ва ўзанинг маҳсулдорлигига бўлган таъсирига бағишланган. Тажрибада органик ўғитлардан гўнг (10т/га), сидерат, маъданли ўғит, ғалла ғудраси, похол (10т/га) ва сидерат+гўнг+НРК нинг тупроқнинг экологик ҳолатига ва ўзанинг ўсиш, ривожланишига таъсири илмий жиҳатдан ўрганилди. Тажриба вариантларида мавсум охирида сидерат ва сидерат+гўнг+НРК вариантыда гумус миқдори ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан 0–20 см қатламда 0,02–0,06 %, 20–40 см қатламда эса 0,04–0,06 % га ошди. Шунингдек, ҳаракатчан нитратли азот миқдори 0–20 см қатламда 10,3–18,2 мг/кг, 20–40 см қатламда 8,3–14,9, ҳаракатчан

фосфор 35,8–33–34,3 ва 66,4–60,9 ҳаракатчан калий 80,0–70,0 ва 152–153 мг/кг га ошди.

Мавсум даврида тупроқда барқарор экологик муҳтнинг яратилиши ғўзани қулай ўсиб, ривожланиб, етарлича ҳосил шохлари, ғунча, гул ва кўсаклар ҳосил қилди (6–жадвал). Зарафшон водийсининг ўтлоқи, типик ва оч тусли бўз тупроқларида яшил ўғитлар таъсирида барқарор экологик

6–жадвал

Ўтлоқи буз тупроқларда ўғитлаш режимининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсири

Т.р	Вариантлар	Ќўза баландлиги, 1.09, см	Симподиал шох сони, 1.09. дона	Кўсаклар сони, 1,09. дона	Ҳосил микдори, т/га
		М+м	М+–м	М+м	М+м
1.	Ўғитсиз [назорат]	67,4±0,1	9,2±0,1	6,2±0,2	1,9±0,1
2.	Гунг 10т/га	77,2±0,5	10,2±0,1	6,7±0,1	1,5±0,1
3.	Сидерат	80,4±0,2	13±0,1	8,3±0,1	2,5±0,1
4.	Маъданли ўғит	86,9±0,1	15,3±0,1	12,3±0,2	3,7±0,1
5.	Ғалла ғудраси	78,2±0,4	10,4±0,1	7,1±0,1	2,1±0,1
6.	Пахол (сомон)	69,1±0,2	9,7±0,1	6,6±0,2	1,9±0,1
7.	Сидерат+ғўнг+ NPK	94,6±0,2	16,3±0,1	13,9±0,1	4,2±0,1

$n=4; p \leq 0,05$

7–жадвал

Сидерат ўғитларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири, т/га (ўргача, 2001–2009йй.)

Тажриба вариантлари	Ўтлоқи бўз тупроқларда	Типик бўз тупроқларда	Оч тусли бўз тупроқларда
Шудгор [назорат]	3,28	3,09	2,80
Кўк нўхат	3,97	3,69	3,25
Жавдар	3,83	3,58	3,20
Тифон	3,76	3,50	3,15
Кўк Нўхат+Жавдар	4,05	3,77	3,30
Тифон+Жавдар	4,00	3,71	3,26
Тифон+Кўк нўхат+Жавдар	4,20	3,97	3,42
	ЭКИФ ₀₅ =3,5ц/га Р%= 3,1	ЭКИФ ₀₅ =2,0ц/га Р%=1,4	ЭКИФ ₀₅ =2,8ц/га Р%=2,7

агробиоценознинг таъминланилиши, ғўзанинг ўсиши, ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўтлоқи бўз тупроқларда тифон+кўк нўхат+жавдар вариантида назорат вариантыга нисбатан ўсимлик бўйи 14,7 см баланд бўлган бўлса, симподиал шох сони 2,1 дона, кўсак сони 3,8 донага ошди, 1

туп ғўзада биомасса миқдорининг жамғарилиши 205,6 г, барг сатҳи 700 см² юқори бўлди, ғўзанинг вилт билан зарарланиши 13 фоизга камайди.

